

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2020.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВ БЕГЕНЧ МАВЛАНБЕРДИЕВИЧ**

**ЕР КАДАСТРИ АСОСИДА ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 йил

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Юнусов Бегенч Мавланбердиевич**

Ер кадастри асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш  
механизмларини такомиллаштириш.....3

**Юнусов Бегенч Мавланбердиевич**

Совершенствование механизмов комплексного развития территорий на  
основе земельного кадастра.....39

**Yunusov Begench Mavlanberdiyevich**

Improving mechanisms for integrated development of territories based on land  
cadastre.....77

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....81

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2020.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВ БЕГЕНЧ МАВЛАНБЕРДИЕВИЧ**

**ЕР КАДАСТРИ АСОСИДА ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 йил

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/Iqt785 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Алтиев Абдурашид Султанович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гулямов Саидасроп Саидахмедович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Хасанов Шавкат Турсунқулович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Раҳманов Қосим,**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc 03/30.12.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй.Тел.: (+99871) 237-46-68, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2025 йил \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ.А.Чариев,**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д. профессор.

**И.О.Юнусов,**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д.,  
(PhD), доцент

**Н.С.Хушматов,**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.д., профессор.

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш кафолатларини кучайтириш учун мавжуд чекланган ер ресурсларини самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса дунё аҳолиси сонининг ўсиши натижасида киши бошига ер ресурсларининг камайиб бораётганлиги шароитида мавжуд ер ресурсларини самарали бошқаришнинг мамлакатлар иқтисодиётини янада ривожлантиришга таъсирини сезиларли даражада ошириш имконини берадиган ер кадастри маълумотларини иқтисодий тизимга кенг жорий этишни тақозо этади. Аммо, ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда ердан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш, ерлардан фойдаланишда мунтазам назоратни таъминлаш, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек ер ресурсларини тизимлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Бугунги кунда жаҳон ер фонди 13,4 млрд. гектарни ташкил қилмоқда, шунинг 1,5 млрд. гектари, яъни 11,0 фоизи иқтисодий томондан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўлиб, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қулай ҳисобланади. Дунё бўйича глобал иқлимнинг ёмонлашуви ва аҳоли сонининг кўпайиши, ўз навбатида, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ошишига олиб келди, бу эса ер кадастри тизими вазифаларини кўчайтириш заруратини келтириб чиқармоқда. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда дунё бўйича 840 миллиондан ортиқ киши, яъни ҳар тўққиз инсоннинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30,0 фоиздан ортиғи тўлақонли равишда овқатланмаслик муаммосига дуч келган<sup>1</sup>. Айнан шунинг учун ҳам ер кадастри тизимини мукамал йўлга қўйган ҳолда унинг маълумотларидан ҳудудларнинг комплекс ривожланишида озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назардан дастурлар ишлаб чиқилишида фойдаланиш талаб этилади.

Республикамиз учун ўта долзарб масала бўлган ер кадастрини самарали бошқаришни йўлга қўйиш ҳудудларни комплекс ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги “Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-245-сон Қарори ер кадастри тизимини тўғри бошқариш ҳамда ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда қанчалик муҳим эканлигидан далолат беради. Шу учун ҳам ҳозирги кунда республикамизда мавжуд ер фондининг 8 та тоифаси ерларини тўлиқ ҳисобга олиш, уларни геомаялумотлар базасида шакллантириш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига асос бўлади. Кейинги йилларда республикамиз ер ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни ташкил этиш, таъсирчан назоратни таъминлаш ва ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрлари соҳасида муносабатларни тартибга солишга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ер кадастри тизимини янада такомиллаштириш барча ер

---

<sup>1</sup> Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т: “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” нашриёти, 2016. – 257 б.

турлари ҳисобини тўғри олиш, маълумотларни вақтида янгилаш ишлари республикамиз ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантиришга, уларни инновацион модернизация қилиш механизмларини такомиллаштиришга, нафақат давлатнинг иқтисодий истиқболини белгилаш, балки давлат дастурларини ишлаб чиқишга, ҳудудлар ва тармоқлар экспорт салоҳиятини оширишга ҳам ўз таъсирини кўрсатишни тақозо этмоқда. Қолаверса, аҳолига хизмат кўрсатиш, уларни ижтимоий-иқтисодий томондан қўллаб-қувватлашда ер кадастрини бошқариш тизимини тартибга солиш механизмларини асослаш ва татбиқ этиш каби муаммоларнинг мавжудлиги уларни ҳал этиш борасида илмий тадқиқот ишларини кенг кўламда олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги 666-І-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2020 йил 9 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сон, 2023 йил 28 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмоний шахслар томонидан қурилган уй-жойларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги ПФ-119-сон фармонлари, 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМ-389-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Ер ислохотларининг асосий йўналишлари, ерларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ер иқтисодиёти соҳаларига боғлиқ илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Англия, АҚШ, Ливан, Бельгия, Голландия ва Австралия каби

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: University of Cambridge (Англия), International food policy research institute "IFPRI" land resource management for poverty reduction, land degradation (Вашингтон, АҚШ), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) (Ливан), Ghent University (Белгия), Wageningen University (Голландия), Department of Primary Industries, Parks, Water and Environment (Австралия, Тасмания) <https://www.landecon.cam.ac.uk/research/environmental-economy-policy-group/centres/rbu/research>; <http://www.ifpri.org/land-management>; <https://www.icarda.org/integrated-water-and-land-management/teaser>; [https://www.ugent.be/bw/soilmanagement/en/research/soildegradationandsoilconservation/research\\_projects.htm/overview.htm](https://www.ugent.be/bw/soilmanagement/en/research/soildegradationandsoilconservation/research_projects.htm/overview.htm); <https://www.wur.nl/en/project/Digital-Soil-Mapping-of-land-degradation-risks-in-Africa.htm>; <http://dpiwwe.tas.gov.au/agriculture/land-management-and-soils/salinity/land-degradation-salinity-risk-project> ва бошқа манбалар асосида.

мамлакатларда олиб борилмоқда. Шунингдек, Европанинг аксарият давлатларида ер ҳисоби француз намунаси асосида юритилади. Француз кадастр маълумотларининг асосий вазифаси ерларни солиққа тортишни таъминлашдан иборат.

Ер кадастри тизимини бошқаришга алоқадор дунё мамлакатларида олиб борилган изланишлар асосида ер ижараси тушумининг барқарорлик индикаторлари “University of Florida” (АҚШ), ҳудудий зоналарга доир ер солиғининг индикаторлари “Georgia State University” (АҚШ), қишлоқ хўжалиги ерлари бонитети балл юзасидан баҳолаш, сарфланган инвестиция миқдорлари “Norwegian university of life sciences” (Норвегия), ерларни иқтисодий баҳолаш “Szent Istvan University” (Венгрия), ер кадастри тизимини бошқариш “University of Melbourne,” (Австралия), ерларнинг бозор қиймати “World bank”, “Development research group”, “Rural Development” (Вашингтон, АҚШ) каби илмий марказ ва университетларда услубий-амалий ҳамда илмий-назарий натижалар олинган.

Жаҳонда ер кадастр тизимини бошқаришни такомиллаштириш, унинг маълумотларидан ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланишида фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, ер кадастри тизимидан мақсадли фойдаланишни ташкил этиш, ер ресурсларини оқилона ва самарали тақсимлаш жараёнлари, ерларни иқтисодий ресурсга айлантириш, ерларни комплекс ҳисобга олиш ва нотўғри солиққа тортилишининг олдини олиш, ер муносабатларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини кучайтириш, ер кадастрини бошқаришда тизимли ва самарали механизмни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ер фонди тоифаларини комплекс ҳисобга олиш ва юқори даражадаги геоахборот тизим ва технологиялари (ГАТ), дастурий таъминотларининг ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга таъсири бўйича назарий ва услубий асослар чет эл олимларидан проф. G.J.Bouma, P.A.Burrough, J.J. de Gruijter, A.K.L.Johnson<sup>3</sup>, ва бошқалар тадқиқ этишган. Жараёнларни автоматлаштиришнинг назарий ва услубий асосларини эса А.А.Варламов, Е.В.Белорусцева, Александр Фомин<sup>4</sup> ва бошқалар ишлаб чиқишган. Республикамизнинг соҳа олимлари А.Чертовицкий, А.Алтиев, Қ.Рахмоновлар<sup>5</sup> суғориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиш, ерларни миқдор жиҳатидан ҳисобга олиш, уларни маъмурий-ҳудудий бирликлар,

<sup>3</sup> J.Bouma. Using soil survey data for quantitative land evaluation // Ерни миқдорий баҳолаш учун тупроқ тадқиқоти маълумотларидан фойдаланиш. // Тупроқшунослик ютуқлари: 9-жилд, Б:177-213. 1989 й.; P.A.Burrough Principles of Geographical Information Systems for Land Resources Assessment (Monographs on Soil and Resources Survey) // Ер ресурсларини баҳолаш учун географик ахборот тизимларининг тамойиллари // тупроқ ва ресурсларни ўрганиш бўйича монографиялар: 2008 й.; J.J. de Gruijter. Corrigendum to Using model predictions of soil carbon in farm-scale auditing – A software tool // Тупроқ углеродининг намунавий башоратларини фермер хўжалигида қўллаш аудит – дастурий таъминот. Қишлоқ хўжалиги тизимлари: 169 (2019) Б. 24–30.; A.K.L. Johnson. Integrated land evaluation to generate risk-efficient land-use options in a coastal catchment. // Соҳил бўйидаги сув ҳавзаларида ердан фойдаланишнинг хавфли вариантларини яратиш учун эрни комплекс баҳолаш. Qishloq xo'jaligi tizimlari. 50 (3). Б. 287-305. 1996 й.

<sup>4</sup> Варламов А.А., Гальченко С.А. Управление земельными ресурсами.//М.: ГУЗ, 2005 г.; Белорусцева Е.В. Мониторинг земель сельскохозяйственного назначения Нечерноземья с применением ГИС-технологий// 22-23 с., 2013.; Александр Фомин. Создание общедоступных информационных систем управления земельными ресурсами в сельском хозяйстве // Московский экономический журнал, 315-327 с.

<sup>5</sup> Чертовицкий А.С. Обоснование и прогнозирование точности учета орошаемых земель. – Т.: Фан, 1986. с.104; А.Алтиев. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. Монография. Тошкент. “Фан” нашриёти, 2018 й. – 274 б.; Рахмонов Қ.Р. Ер мониторинги. Ўқув қўлланма. Тошкент. ТИМИ, 2013 й. – 153 б.

ердан фойдаланувчилар ва ер турлари бўйича тақсимлаш борасида тадқиқотлар олиб боришган.

Ер кадастрининг мулкчилик турлари, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларни ислоҳ қилишга таъсири юзасидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Л.В.Астахова, Н.Веденин, Ф.Пальчиков, В.Шаманаев, Л.Я.Новаковский, Л.Селиванова, С.Волков, А.Варламов<sup>6</sup> каби олимларнинг тадқиқот натижаларини эътирофлидир. Аммо, ер кадастрининг ҳудудларни комплекс ривожлантиришга таъсирини баҳолаш тизими ва методологияси ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган. Хусусан, мамлакатимизнинг турли минтақаларида ер кадастри бўйича ер фондининг 8 та тоифаси доирасида комплекс ҳисобини замонавий усулларда олиш ва юритиш, дала тадқиқот натижалари асосида иқтисодий салоҳиятнинг вужудга келиши, ер кадастри маълумотларининг ҳудудларни комплекс ривожланишига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли ер кадастрини комплекс юритиш тизимини замонавий технологиялар ва дастурлар асосида йўлга қўйиш, ер кадастри индикаторларидан ер ресурсларини бошқариш механизмининг такомиллаштириш, унинг маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантиришга боғлиқлигини баҳолаш борасида тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ саналади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ер кадастри асосида мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ривожлантириш механизмларни такомиллаштириш юзасидан илмий-назарий ва услубий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ер кадастри тизими ва ҳудудларни ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқлиги механизмининг, шу жумладан бу борадаги хорижий тажрибаларни ўрганиш;

ер кадастри асосида ҳудудларни ривожлантириш юзасидан иқтисодий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларни таҳлил қилиш;

ер ислохотлари шароитида ер кадастрини юритиш билан ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг боғлиқлиги юзасидан мавжуд муаммоларини таҳлил қилиш ва илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантириш билан ер кадастрининг ўзаро боғлиқлигини асослаш;

---

<sup>6</sup> Астахова Л.В. Теория информационной безопасности и методология защиты информации// Челябинск Издательский центр ЮУрГУ 2014 г. 137 с.; Веденин Н. Земельное право. Вопросы и ответы// Москва: Юриспруденция, 2001 г. – 126 с.; Пальчиков Ф.И. Теоретические основы земельных отношений и землеустройства// Харьков. – 1981 г.; Шаманаев В.С., Варламов А.А.Хлыстун В.Н., Комов Н.В. Государственное регулирование земельных отношений. // М.: “Колос”, 1999 г.; Новаковский Л. Экономические проблемы использования и охраны земельных ресурсов//Киев, – “Виша школа”, 1985 г.; Селиванова Л.А. Методические аспекты эколого-экономической оценки земельных ресурсов сельскохозяйственного назначения // Вестник Российской академии естественных наук (Санкт-Петербург). – 2006.; Волков С.Н., Варламов А.А. Землеустроительная наука и образование России в начале третьего тысячелетия: сборник научных статей, посвящённых 225-летию Государственного университета по землеустройству. //М.: ГУЗ. – 2004.

иктисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ривожланиш механизмларини ер кадастри асосида такомиллаштириш;

ер ресурслари салоҳиятининг туманни ривожлантириш дастурларига мослигини таъминлаш механизмини асослаш;

ер кадастри асосида ер фондидан фойдаланишнинг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ер кадастри ахборот тизими ва ундан фойдаланувчи субъектлар фаолияти танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни худудларни комплекс ривожлантиришда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш юзасидан содир бўладиган муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида монографик кузатиш, геостатистик таҳлиллар қилиш, объектларни геофазовий таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, таҳлилий ҳисоб-китоб қилиш, статистик таҳлиллар ўтказиш, масофадан зондлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

ер фонди реал ўлчамларини амалдаги ер ҳисоби маълумотлари билан шахмат тартибида таққослаш орқали ер фондини аниқ ҳисобга олишнинг рақамлаштириш имконини берувчи механизм таклиф қилинган;

ер ижараси ҳақиға тортилмаётган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни электрон аукцион савдо майдончаларида реализация қилиш орқали маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини кўпайтириш тартиби асосланган;

ер ресурслари ҳисобини юритишни тизимли йўлга қўйишнинг шаффофлигини таъминлаш, худудларда ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган базасини шакллантиришда аниқлик даражасини ошириш имконини берувчи ер ҳисобини юритиш механизми такомиллаштирилган;

ер кадастри асосида туманлар заҳирасида турган, шунингдек фойдаланишда бўлмаган ер участкаларини фаол ресурс сифатида иқтисодий муносабатлар тизимига қайтариш орқали реализация қилиш механизми ва тартиби ишлаб чиқилган;

ер кадастри маълумотлари асосида Қорақалпоғистон Республикасида ер фондидан фойдаланишнинг ер тоифалари доирасидаги 2030 йилгача мўлжалланган ўзгариши прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

ер майдонларини тадқиқ этишда такомиллашган услуб асосида ер кадастрини комплекс ҳисобга олиш ташкил қилинган ва ер фондини бошқариш механизм такомиллиштирилган;

аҳоли пункти ер майдонларини тадқиқ қилиш асосида солиққа тортиш масалалари тартибга солинган ва унинг ер ҳисоби самарадорлигига боғлиқлиги таъминланган;

бўш турган ер участкаларини иқтисодий ресурсга айлантиришнинг амалга оширилиши натижасида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш имконияти яратилган;

ер кадастри индикаторларидан фойдаланган ҳолда ер фонди тоифалари ерларининг мулк ва ҳўжалик юритиш шаклидан қатъий назар барча ердан фойдаланувчи субъектлар бўйича аниқ ҳисобини юритиш механизми йўлга қўйилган;

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманини ривожлантириш дастурлари билан туман ер ресурслари салоҳиятининг мослигини таъминлаш механизми жорий қилинган;

ер фонди 8 та тоифаси ерларининг геомаълумотлар базасини шакллантириш, дала тадқиқот натижаларини қайта ишлаш асосида ерга эгалик қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар яратилган ва уларни башоратлаш ҳамда режалаштириш механизми жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Давлат кадастрлари палатаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва туман филиаллари материалларидан фойдаланилганлиги, ер муносабатларини ўрганган иқтисодчи ҳамда кадастр соҳаси олимларининг асарларини таҳлил қилган ҳолда аниқ йўналишлар бўйича шаклланган маълумотлар базасидан ва расмий манбалардан фойдаланилганлиги, шунингдек диссертантнинг бевосита дала тадқиқотлари жараёнида шахсан иштирок этганлиги ва тадқиқотлар даврида қўлланилган ўзига хос услублар асосида олинган натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** ер кадастри тизими унсур ва тушунчаларини аниқлаш, ер ҳисобини геоахборот тизими технологияларининг дастурий таъминотларида юритиш ва ер участкаларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда ер ресурсларини оқилона бошқариш, ер кадастрининг иқтисодий функциясини кучайтириш орқали ҳудудларда иқтисодий ривожлантириш услубларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** олинган асосий ер ҳисоби маълумотларининг геоахборот таҳлили ва уларни ягона координата тизимига келтириш, ер фонди тоифаларини тўғри тақсимланишига эришиш, ерларнинг ҳисоби бўйича назоратни рақамлашган услубда олиб боришга қаратилган давлат дастурларини, меъёрий ҳужжатларни, шунингдек “йўл харита”ларни ҳамда ер кадастрининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш механизмининг тартибга солиш орқали ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишни асослашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ер кадастри асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий-амалий натижалар асосида:

ер фонди реал ўлчамларини амалдаги ер ҳисоби маълумотлари билан шахмат тартибида таққослаш орқали ер фондини аниқ ҳисобга олишнинг рақамлаштириш имконини берувчи механизми Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимида жорий қилинган (Кадастр агентлигининг 2024-йил 17-июлдаги 05/04-6843-сон маълумотномаси). Натижада, ер фонди тоифаларининг майдони шахмат тартибида

янгидан ишлаб чиқилиб, биргина йўл инфраструктурасини ривожлантириш бўйича “Ташаббусли бюджет” ва “Менинг йўлим” лойиҳалари доирасида ҳудудларга йўналтирилган бюджет маблағларининг тақсимоли кадастр маълумотлари асосида смета ҳисоблари чиқарилиб ортиқча сарф харажатларининг олди олинган;

ер ижараси ҳақиға тортилмаётган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни электрон аукцион савдо майдончаларида реализация қилиш орқали маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини кўпайтириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимида жорий қилинган (Кадастр агентлигининг 2024-йил 17-июлдаги 05/04-6843-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли пункти ерларида бўш турган, фойдаланишда бўлмаган 1865 та (373,36 гектар) ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари реализация қилиш йўлга қўйилган, унга кўра ерларнинг аукцион тушумидан ташқари 15 млн. сўм ер ижара ҳақи, шунингдек, шу пайтга қадар умуман ҳисоби олинмаган ва ер солиғи олинмайдиган, ҳеч бир ташкилот тасарруфида бўлмаган туман ободонлаштириш ерларидан қўшимча аниқланган 10 минг гектар ерларни фуқароларга реализация қилиш орқали 588 та янги ишчи ўринлар яратилган ҳамда 2,0 млрд. сўмга яқин маблағ маҳаллий бюджетга тушуми таъминланган;

ер ресурслари ҳисобини юритишни тизимли йўлга қўйишнинг шаффофлигини таъминлаш, ҳудудларда ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган базасини шакллантиришда аниқлик даражасини ошириш имконини берувчи ер ҳисобини юритишнинг такомиллашган механизми Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимида жорий қилинган (Кадастр агентлигининг 2024-йил 17-июлдаги 05/04-6843-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалигида суғориладиган 4 475 гектар ерларининг турлари асоссиз ўзгарганлиги аниқланган, шунингдек балиқчилик тармоғининг ривожланишида ҳисоби олинган яйлов ер туридаги ерларнинг фойдаланиш йўналишини ўзгартириш орқали умумий 715 та сув ҳавзалари ташкил қилиниб, уларнинг ерлари 101 413 гектарга етказилган;

ер кадастри асосида туманлар захирасида турган, шунингдек фойдаланишда бўлмаган ер участкаларини фаол ресурс сифатида иқтисодий муносабатлар тизимиға қайтариш орқали реализация қилиш механизми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимида жорий қилинган (Кадастр агентлигининг 2024-йил 17-июлдаги 05/04-6843-сон маълумотномаси). Натижада, туманлар захирасидаги расман фойдаланишда бўлмаган 613 та контурда 1717,53 гектар ерлар озиқ-овқат экинларни экиш мақсадида жисмоний шахсларға ижара ҳуқуқи асосида берилиб, 2 340,06 минг сўм ер ижараси ҳақи ундирилган, шунингдек 500 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланган;

ер кадастри маълумотлари асосида Қорақалпоғистон Республикасида ер фондидан фойдаланишнинг ер тоифалари доирасидаги 2030 йилгача мўлжалланган ўзгариши прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқиш юзасидан берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимида жорий қилинган (Кадастр агентлигининг 2024-йил

17-июлдаги 05/04-6843-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудларда 3172 та ер участкаларнинг 690,80 гектар ерлари, бошқа ер фонди тоифалари ҳисобига ўзбошимчалик билан эгалланганлиги аниқланиб, уларни кадастр маълумотлар базасига ўтказиш орқали белгиланган ер ижара ҳақи ставкалари бўйича қарийб 3,0 млрд. сўм маҳаллий бюджетга ер ижараси ҳақи тушуми таъминланган бўлиб, келажакда ерлардан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ер фонди тоифалари майдонларининг истиқболдаги ўзгариши прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган, унга кўра, 2030 йилга бориб аҳоли пункти ерлари 2023 йилга нисбатан 5% га, шу билан бирга аҳоли сони 24% га кўпайиши келажакда аҳолини уй-жой билан таъминлашга ер ажратишда аҳоли пункти ерларини олдиндан белгилаш ва ташкил этиш, шунингдек барча ер фонди тоифаларининг миқдори ва улардан фойдаланиш ҳисобини юритишни тартибга солишга қаратилган таъсирчан назоратни йўлга қўйиш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари жами 9 та, шу жумладан 5 та халқаро конференцияда, 4 та республика конференциясида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича 1 та монография ва 1 та дарслик, жами 24 та илмий мақолалар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 12 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб ва хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, жами 238 бетда баён этилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Ер кадастрининг ҳудудларни ривожлантиришга таъсирини тадқиқ қилишнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида ер кадастри билан ҳудудларни ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқликни ўрганишнинг зарурлиги, мақсади ва вазифалари, ҳудудлар ривожланишига ер кадастри таъсирининг қонуниятлари ва механизми, ер кадастри асосида ҳудудлар ривожланиши юзасидан хорижий тажрибалар, уларни республикада тадбиқ этиш имкониятлари ўрганилган.


Ер кадастри тизими ердан фойдаланувчилар (жисмоний ва юридик шахслар, мулкдорлар, давлат ташкилотлари) эгаллаган ерлар ҳисобини олиш, ерларни фондларга бўлиш, турларга ажратиш, баҳолаш, ер бозори, ер солиғи ва ер

ижараси ҳақи ставкаларини аниқлаш, мулкӣ муносабатларини тартибга солиш, ер кадастри таркибий қисмларини тўғри шакллантириш, ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботни юритиш ҳамда ер сиёсати ва уни амалга оширишда асосий тизим ҳисобланади. Унинг замирида ер ахборотлари, ернинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий, услубий-амалий ҳаракатлар жамланмаси туради. Ер кадастри тизими ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий, рекреацион, экологик, ижтимоий ва иқтисодий йўналишларига таъсир қилиб унда белгиланган тадбирлар амалга оширилишида энг муҳим ахборот ресурси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот давомида ер кадастри тизими ва унинг элементлари шакллантирилган бўлиб, ушбу элементлар бир вақтнинг ўзида ҳам алоҳида, ҳам ўзаро узвий боғлиқдир. Яъни уларнинг барқарорлиги ер муносабатларни тартибга солиш ер кадастрининг иқтисодий асослари билан боғлиқлигини мустаҳкамлайди.

Унга кўра, ер кадастри тизимида, унинг асосий тамойиллари, таркибий қисмларини шакллантириш ва ер миллий ҳисоботи, шу жумладан, ерларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши тартиблари, шунингдек ер сиёсати ва уни амалга ошириш механизми шаклланиши, ер кадастрининг иқтисодий асослари, ер муносабатларини тартибга солиш масалаларининг бир-бири билан боғлиқлиги таъминланади (1-расм).

Ер кадастри тизимининг давлат ва жамият бошқарувида, қолаверса, бозор иқтисодиётида ўрнининг муҳимлиги, унинг иқтисодиётга таъсири борасида мавжуд масалаларни ҳар томонлама таҳлил ва илмий мушоҳада қилиш ер кадастри билан ҳудудларни ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишнинг зарурлигини, шунингдек мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусиятларини назарда тутган ҳолда изланишлар олиб боришни тақозо қилади. Шу маънода мураккаб тизимларни, шу жумладан ер ресурсларини бошқаришни ҳам тадқиқ этишда тизимли таҳлил ва ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки ер муносабатларидаги қонуниятлар жамият ва иқтисодиёт ривожланишининг эҳтиёжлари характери ва мазмунига боғлиқдир. Масалан, ер кадастри тизимида иқтисодий муносабатлар ерни реализация қилиш, унга эгалик қилиш ҳамда унумли фойдаланиш асносида руёбга чиқадиган ерларни бошқариш, улардан фойдаланишни назорат этишни тартибга солувчи ҳуқуқий-иқтисодий чора-тадбирлар орқали амалга оширилади. Ер кадастри тизимининг иқтисодий механизми ернинг кўпмақсадли ва кўпфункционал ресурс сифатидаги хусусиятларига таянади. У ердан иқтисодий ресурс сифатида фойдаланиш жараёнини қамраб олиб, ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш, ҳуқуқ турларига кўра давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни баҳолаш механизмлари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Амалга ошириладиган ер муносабатларида, аввало, мулк ҳуқуқи, доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи, бундан ташқари аввал ҳам кучда бўлган ҳуқуқ шакллари асносида юритилади. Ер участкаларини белгиланган тартибда ҳар қандай ҳаракатлардан сўнг давлат рўйхатидан ўтказилиши белгилаб қўйилган, бу эса, ҳудудларда кўчмас мулк савдоси, солиқ тушуми, молиявий айланма жараёнларида шаффоф механизми ҳисобланади.



1- расм. Ер кадастри тизимининг институционал ва иқтисодий асослари<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ерларни баҳолашда биринчи кадастр тизимининг механизми тўлиқ ишлатилса, ерларни иқтисодий ресурсга айлантириш мумкин. Мамлакатимизда ерларни баҳолашда белгиланган илмий асосланган механизм мавжуд эмас, лекин, бизнингча, ерларни баҳолашда асосан “табiiй ресурс”, “капитал-иқтисодий ресурс”, “ерларнинг бозор қиймати”, “инвестиция ресурс”, каби тўртта йўналишларни эътиборга олиш зарур. Ерларни баҳолаш механизми ишламаган, чунки собиқ иттифоқ вақтида бонитет балли орқали хўжалик юритиш шароитлари тенглаштирилар эди, бугунги кунда тенглаштириб бўлмайди, ер ўзининг қийматига эга ҳисобланади. Масалан, баъзи ерларнинг нархи жуда юқори бўлса, баъзилари паст, шу сабабдан ҳам тенглаштиришнинг иложи йўқ.

Республикамиздаги мавжуд кадастр тизими фаолиятини молиялаштириш асосан пуллик хизматлар, аукцион ва ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали таъминланади. Ер участкалари ва кўчмас мулк ҳужжатларини расмийлаштиришда лойиҳалаштириш ишлари бўйича асосан хусусий лойиҳалаш секторларига мурожаат қилинади, бу секторлар давлат хизматлари марказлари ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграция қилинмаган. Мамлакатимизда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ўз навбатида бу борадаги хорижий мамлакатлар қонунчилигига мурожаат этиш, уларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш истиқболларини аниқлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш аллақачон барқарорлик касб этиб улгурган ва нисбатан юқори даражада амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатларнинг ҳеч бирида қишлоқ хўжалиги ерларининг олди-сотдиси таъқиқланмаган. Фақат айримларида ер участкаларини сотишда ҳамда сотиб олишда ўзига хос чегаралар, чекловлар қўйилган. Буюк Британия, АҚШ, Франция давлатларда ер ҳуқуқининг асосий институти мулк ҳуқуқи институти бўлиб, у хорижий мамлакатлар ер ҳуқуқининг бошқа институтларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва шунга кўра, ушбу давлатлар ер қонунчилигида ва ер ҳуқуқий адабиётларида ҳақли равишда марказий ўринни эгаллаган.

Ерга нисбатан давлат ва хусусий мулкчилиги билан бир қаторда хорижий мамлакатларда ер ижараси шартномаси ва ижара муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Хорижий мамлакатлар ер қонунчилигида ер ижараси, ижарачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер участкаси ижарачиларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари масалалари атрофлича тартибга солинган. Хорижий мамлакатлар ер ҳуқуқида ер муносабатлари субъектларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Ушбу институт нафақат ер, балки бир қатор бошқа ҳуқуқ соҳаларига ҳам таъсир этиши билан аҳамиятлидир. Хорижий мамлакатларни уларда рўй бераётган ер ислохотларини таҳлил қилиш асосида Шарқий Европа давлатлари Болгария, Венгрия, Германия, Польша, Руминия, Словакия, Чехия, Сербия учун ер ислохотларининг асосий йўналишлари ерларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат ва корпоратив қишлоқ хўжалик иқтисодиёти соҳаларини қайта ташкил этиш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда ер ислохотларининг хусусияти

тўғрисидаги қонуннинг, яъни кўчмас мулк, биринчи навбатда ерни собиқ эгаларига қайтаришнинг норматив мустаҳкамланишида ифодаланади.

Шуни айтиш керакки, чет эл фуқаролари мамлакатимиз ерларидан, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш бўйича белгиланган тартибда ижара ҳуқуқи асосида иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан улар томонидан жорий қилинган инвестициявий, инновацион, илмий-технологик тажрибаларидан ерлардан самарали фойдаланиш амалиётида фойдаланиш муҳимдир. Бир қанча ривожланган давлатларда қонун бўйича рухсат берилган кредит олишда ерларни кафолат сифатида қўллаш мумкин.

Умуман олганда, хорижий мамлакатларда бир-биридан фарқ қиладиган ер муносабатларини тартибга солиш усуллари мавжуд. Лекин ҳаммаси учун умумий бўлган тамойиллар ҳам бор. Аслида ўзимиз учун мос бўлган жиҳатларидан ер муносабатларини тартибга солиш, ер ҳисоби самарадорлигига эришиш, ер ижараси, ерларни иқтисодий ресурсга айлантириш чора тадбирларида фойдаланиш зарур. Хусусан, Европа мамлакатларининг кадастр тизими асосида мамлакатимизда мавжуд 8 та ер фонди тоифаларини батафсил турларга бўлиб чиқиш тавсия этилади.

Диссертациянинг ишининг **“Ер кадастрининг ҳудудларни ривожлантириш билан ўзаро боғлиқлиги муаммолари ва ечимларининг услубий-амалий асослари”** деб номланган иккинчи бобида ер кадастри маълумотлари асосида ер фондидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган, ҳудудларни ривожлантириш йўналишларининг ташкилий-иқтисодий асослари келтирилган ҳамда ер ислоҳотлари шароитида ер кадастри тизимини юритиш билан боғлиқ ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг услубий-амалий хусусиятлари ўрганилган.

Ер ресурсларини тармоқ ичида ва тармоқлараро тақсимлашни мақбуллаштириш ердан фойдаланиш тизимининг муҳим муаммоси ҳисобланади ва у ҳудудларни табиий-иқтисодий зоналаштириш билан боғлиқдир. Ерларни тақсимлашни мақбуллаштириш масалаларига ёндашув ерлардан фойдаланиш турлари, уларнинг таркиби, динамикаси ва ўзига хос хусусиятлари, ерларнинг ҳар бир туридан фойдаланиш ва уни бошқариш самарадорлигини иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, рекреацион, экологик баҳолаш нуқтаи назардан бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда Ўзбекистон жамоатчилиги ва иқтисодиёт соҳасининг олимлари ўртасида ер муносабатларининг ривожланиш механизмлари тўғрисидаги баҳслар кенгаймоқда.

Бугунги кунда ер фондининг тоифаларини бошқариш юзасидан турли вазирлик ва идораларга, ҳудудий хўжалик ва давлат ҳокимияти органларига ерларни бошқариш, фойдаланиш ва назорат қилиш каби вазифалар юклатилган. Унга асосан ҳар йили ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот чоп этилади. Бироқ, ушбу миллий ҳисоботга ҳеч қайси ваколатли орган томонидан баҳо берилмайди. Ер фонди ҳолатидаги салбий тенденцияларнинг сабаблари ва уларни бартараф қилиш масалаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларида кўрсатилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, замонавий технологиялар ёрдамида ҳудудларнинг ер ҳисобини олиш ва ундан миллий ҳисоботни шакллантиришда интеграциялашган

ҳолда фойдаланиш зарур. Ҳозирги кунда замонавий технологиялар асосида республикамизнинг барча ерларининг базаси яратилмаган. Миллий ер ҳисоботининг тўлиқ ва тўғри шакллантириш натижасида ер фонди тоифаларининг аниқлигига, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерларининг барқарорлигига, аҳолини самарали жойлаштириш, аҳоли пункти ерларини ташкил этишда оптимал лойиҳа ишлаб чиқишга эришилади. Шунингдек, саноат, транспорт, соғломлаштириш ерлари, сув хўжалиги ерларида ер қадасрти маълумотлари асосида бюджет маблағларини самарали бошқаришга ортиқча сарф-харажатларнинг олди олиниб, пул тушумларни аниқ башаротлашга ва тушумларнинг ошишига имкониятлар яратилади.

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботда акс этадиган ахборотлар мамлакат ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг ҳисобини олиш, тоифаларга бўлиниши, миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг иқтисодиёт тармоқлари, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари ва мулкдорлари бўйича тақсимланишидан иборат бўлади.

Бизнингча, ҳар йили Кадастр агентлиги томонидан чоп этиладиган Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботда келтирилган ер фонди тоифалари кетма-кетлиги илмий асосланган бўлиши зарур. Маълумки, мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ерларни иқтисодий ресурс сифатида белгилаш, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши нуқтаи назаридан ер фонди тоифалари кетма-кетлиги билан боғлиқ бўлиши зарур. Унга асосан, 2024 йилдаги мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 6 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 4,1 фоиз бўлган<sup>8</sup>. Демак саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасини биринчи қаторда келтириш лозим.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган унумдор ерларни муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш устидан таъсирчан назоратни ўрнатиш Озиқ-овқат хавфсизлигини эътиборга олиб, иккинчидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, мамлакат экологияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, минтақалараро сув муаммоси нуқтаи назардан учинчи ўрмон фонди ерлари, тўртинчи сув фонди ерлари (ўзан ости эгаллаган ерлар ва минтақа худуди эгаллаган ерлар) ҳамда бешинчи табиатни муҳофаза қилиш, соғлом-лаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, олтинчи юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда аҳоли пунктлари ерларини жойлаштириш, уларни қишлоқ аҳоли пунктлари ва шаҳар аҳоли пунктлари каби 2 та турга ажратиш зарур. Еттинчи тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, саккизинчи захира ерлар каби кетма-кетликда бўлиши тавсия қилинади.

Таҳлилларга кўра, ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланишида охириги бир йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар умумий майдони 164,5 минг га, аҳоли пунктларининг ерлари 3,1 минг га, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар майдони 121,9 минг га, ўрмон фонди ерлари 151,9 минг га, захира ерлар 1 121,7 минг гектарга камайган бўлса,

<sup>8</sup> “Фуқаролар учун бюджет: 2024 йил ижроси” ахборот нашри – Т.: 2025. БМТТД, [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org)

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлари 1 563 минг га, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларининг майдони 0,1 минг гектарга кўпайгани аниқланди. Сув фонди ерларида бир йил мобайнида ўзгаришлар кузатилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тегишли тармоқлар бўйича ерларни тақсимлашни мақбуллаштириш етарлича илмий асосга эга эканлигини ўрганиш зарур. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақаларида ер ҳисобини замонавий усулларда юритиш ва шакллантириш, дала тадқиқот натижаларини геомаълумотлар базасига интеграциялаш, интерполяция усулида ер кадастри маълумотларини геовизуаллаштириш, замонавий дастурлар асосида таҳлил қилиш, қайта ишлаш бўйича муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Шу сабабли ер кадастрини юритиш тизимининг маълумотлари асосида ер фондини бошқариш ва фойдаланиш услубини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ҳар бир ер фонди тоифасидан қатъий назар барча турдаги ерларни хатловдан ўтказиб, барча маълумотларни Кадастр агентлигининг ягона интеграциялашган ахборот тизимига киритилиши ва кадастр миллий базаси дастурининг мобиль иловалари ишлаб чиқилиб ер назарати ва мониторингини олиб боришни автоматлаштиришда кадастр инспекторларининг малака ва маълумотларини аниқ белгилаш зарур.

Бу эса ҳудудлар ривожланиши учун энг муҳим иқтисодий ресурс ҳисобланадиган ерлар ҳисобини аниқ ва шаффоф юритишни, давлатга ҳамда аҳолига интерактив хизматлар кўрсатишни таъминлайди. Чунки ер фонди шу пайтга қадар вазирлик идоралар томонидан берилган ҳамда Кадастр агентлиги томонидан белгиланган йўналишлар бўйича ўтказилган ер ҳисоби маълумотлари асосида шаклланиб келинган.

Шу маълумотлар асосида ер ҳисоботи юритилган. Қолаверса туманларда сув фонди ерлари, электр тармоқлари, саноат ерлари, автомобиль йўллари, қувор транспорти ерлари, алоқа ерлари, мудофаа ерлари, тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар, кўп қаватли уйлар, ободонлаштириш бошқарма тасарруфидаги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлардан мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар асосида солиқ олинган ҳамда иш ўринлари яратилган, бюджет маблағлари шакллантирилган, баъзи объектлар ерларининг ҳисоби 2000 йилларда олинган маълумотлар асосида юритилиб келинмоқда.

Маълумки, ер ҳисоботи ер фонди тоифалари, турлари ва улардаги ўзгаришлар, ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, ер участкаларининг ўрни ва майдонлари, шунингдек ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасида ерларнинг тақсимланиши тўғрисидаги ахборотлар мажмуи ҳисобланади.

Демак, ҳудудларда 8 та ер фонди тоифасини тўлиқ ҳисобга олиш, яъни 20 та давлат кадастрининг ерига оид маълумотларини замонавий технологиялар асосида рақамлаштириш талаб этилади.

Хусусан, ер ресурсларини бошқариш бўйича дастур ва лойиҳаларни кўриб чиқиш учун жамоат ва илмий-техник кенгашлар, илмий-тадқиқот институтлари, инновацион марказлар ташкил қилиш ва шу йўналишларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Кадастр агентлиги ҳузурида “Ер ресурсларини

бошқариш ва кадастр” институтини ташкил қилиш, Кадастр агентлиги тизимида докторантура ташкил қилиш ва илмий инновацион ривожланиш бўйича директор ўринбосари лавозимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, республикада долзарб ҳисобланган энг асосий ер бозорини шакллантириш, хусусийлаштириш, аукцион, ер назорати, ер миллий ҳисоботини яратиш ва юритиш бўйича янги устувор йўналишлар белгилаб олиниши зарур. Жумладан, мамлакатимизда ерларни ўзбошимча эгаллаб олиш ва суғориладиган ерларнинг талон-торож бўлишининг олдини олиш, ер ажратишга асос бўладиган қалбаки ҳужжатларни фош қилишга таъсирчан назорат ўрнатиш мақсадида Президент ҳузурида давлат ер назорати инспекциясини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги туфайли ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, коррупция, ердан ноқонуний даромад олиш каби салбий жараёнлар содир бўлмоқда ва у айрим ҳолларда узлуксизликка эга бўлмоқда.

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига 6213 та ер участкаси ёки 2391 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолати кузатилган. Шунингдек, 2024 йилнинг 1 октябрига қадар Кадастр агентлигининг ер ва кадастр назорати бошқармаси ходимлари томонидан 15 903 та ер участкаларида ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари аниқланган. Шунинг учун бугунги кунда ерларни тоифа ва турларидан келиб чиқиб давлат рўйхатидан ўтказиш орқали фаол ҳаракатга ўтказиш, ерларнинг аниқ ва шаффоф ҳисобини юритиш учун ер кадастри жараёнларидаги ҳисобга олишни номутаносибликларини бартараф қилиш, ерларни тартибга солиш, уларни ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан самарали юритишни таъминлаш талаб этилади.

Ер ресурсларини бошқариш, бизнингча, биринчидан, ер кадастрини юритишда ер фонди 8 та тоифаси ерларининг миқдор ва сифат ҳисоби ва улардан фойдаланиш услубларини такомиллаштириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ерларни тоифаларга ва турларга ажратиш, ҳудудлар бўйича тақсимлаш, қайта тақсимлаш, ер кадастрини юритишда автоматлашган тизимлари бўлса, иккинчидан, ер ресурсларидан фойдаланиш иқтисодиётини шакллантириш ва ташкил этиш йўналишида ерларни иқтисодий баҳолаш, ерларни капиталга айлантириш, ерларни хусусийлаштириш, ерларни аукционда реализация қилиш, ер бозори, ер солиғи ва ер ижара ҳаққи ставкаларини аниқлаш, ер солиғининг маҳаллий бюджетларга тушумини қайта тақсимлаш, тушумларни башорат қилиш, режалаштириш ва қайта тақсимлаш орқали ҳудудлар ривожланишини ташкил этиш, компенсация тўловларни ҳисоблаш услубларни ишлаб чиқиш каби масалаларни ўз ичига олади. Учинчидан, ер экологияси йўналишида ерларнинг хўжалик ва технологик ҳолатини ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқаришга таъсирини баҳолаш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш билан ерларнинг экологик ҳолатига мослигини баҳолаш ва таъминлаш, ҳудудларни ташкил этиш, ерларнинг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича чоратадбирларни белгилаш, ер деградациясининг олдини олиш, назорат қилиш ва

бошқа масалаларни ўз ичига оладиган ҳудудларни комплекс ривожлантиришда услубий-амалий хусусиятларни асослаш, жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Диссертация ишининг **“Ер кадастри асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш жараёнларининг институционал асосларини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида ҳудудларни комплекс ривожлантиришда ер кадастрини юритишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини ҳамда ер фонди реал ўлчамларини амалдаги ер ҳисоби маълумотлари билан шахмат тартибида таққослаш орқали ер фондини аниқ ҳисобга олишнинг рақамлаштириш имконини берувчи механизм таклиф қилинган, шунингдек ер ижараси ҳаққига тортилмаётган ер участкаларга бўлган ҳуқуқларни электрон аукцион савдо майдончаларида реализация қилиш орқали маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини кўпайтириш тартиби асосланган.

Республикада ҳозирги кунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги “2016-2017 йилларда жисмоний ҳамда юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида” қабул қилинган 251-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 10 декабрдаги Қашқадарё вилоятига бўлиб ўтган ташрифи давомидаги йиғилишидаги ер ҳисобини олиш ҳамда 2021 йил 21 декабрда ер ҳисоби ва давлат кадастрларини шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилиши давомида берилган топшириқларига асосан турар жойлар объектларини ҳисобга олиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Давлат раҳбарининг 2023 йил 30-31 март кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташрифи доирасида ҳудудларда ер ҳисобини тўғри юритиш ва ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиш мақсадида берилган топшириқлари ижроси бўйича ҳар бир маҳалла кесимида хатлов ишлари олиб борилди ҳамда Президентининг 2023 йил 28 июндаги “Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмоний шахслар томонидан қурилган уй-жойларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги ПФ-119-сон Фармони ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикасида барча ер фонди тоифалари хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар маъмурий чегараларини белгилаш, ер участкаларини хатловдан ўтказиш ва ҳисоб-китобини йўлга қўйиш ишлари тизимли ташкил этилмаганлиги, давлат рўйхатидан ўтказиш ишларида ерларнинг ҳисоби олинмаганлиги сабабли жойларда ички чегараларни аниқлашда ҳамда ер фонди тоифалар турларини ўзгаришида турли муаммолар юзага келган. Қорақалпоғистон Республикасининг 6 та туманида олиб борилган хатлов натижалари ва мавжуд ер ҳисоботи маълумотларини таҳлил қилиш ишлари олиб борилди. Унга кўра, қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд ер ҳисоботига нисбатан 149 420 гектарга, асосан шўрланишнинг олдини оладиган тутзорлар, теракзорлар, бутазорларнинг кесилиб ташланганлиги, пичанзор ва яйловларни 77 143 гектарга камайганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ҳудудларда ер кадастри тизимини бошқариш, ер ресурсларининг аниқ ҳисобини юритишда ҳуқуқий муносабатларни четлаб ўтиш ҳолатлари ҳамда қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, ўрмон

хўжалиги ва саноат ерларида инфратузилмалар, ишлаб чиқариш ривожланишини илмий-амалий башоратлаш ёки режалаштириш ишлари амалга оширилмаганлиги натижасида туманларда ерлар талон-тарож қилинган, қалбаки қарорлар асосида ер ажратиш ҳолатлари кучайган.

Ўзбошимчалик билан эгалланган ерларнинг аксарияти қишлоқ хўжалигидаги суғориладиган ерлар ҳисобига тўғри келмоқда, шу сабабдан қишлоқ хўжалиги ер турларининг ҳисобини олиш ва умуман олганда ер фондининг барча тоифаси ерларини иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш, чегараларини белгилаш талаб этилади.

Маълумки, бу кунга қадар қоғоз кўринишида жадваллар асосида ер ҳисоби юритилган. Ишлаб чиқариш янги тармоқларининг кенгайиши билан боғлиқ бўлган ер турларининг алоҳида ҳисоби юритилмаган, ўз ўрнида солиққа тортилмасдан келинган. Шу маънода, ер фонди мавжуд ерларнинг электрон базасини замонавий технологиялар асосида шакллантириш орқали амалдаги ер ҳисоби маълумотлари билан солиштириш ишлари бажарилди. Унга кўра, ер фонди тоифаларини бошқариш услуби шахмат тартиби асосида янгидан ишлаб чиқилиб, ерларнинг миқдор ҳисоби самарадорлигига эришилди.

Худуд учун ер маълумотлари космосуратнинг қоғоз вариантда чоп қилинган нусхаси олиниб, дала шароитида ер участкалари маълумотлари билан солиштирилди, ахборотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилинди. Тадқиқотимизда ер фондини бошқариш механизми асосида республикада мавжуд ер фондининг 8 та тоифалари ерлари маълумотларини ҳар йили эълон қилинадиган ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботда рим рақамлари кетма-кетлигида берилди. Шундан фойдаланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида хатлов натижаларида олинган ер ҳисоби маълумотларини тегишлилиги бўйича бир фонд тоифа ерларидан айириб аслида ҳисобда бўлиши керак бўлган ер фонди тоифасига ўтказилиб чиқилди, натижада ер фондининг 8 та тоифалари тегишли қонунларга асосланган ҳолда янги таҳрирда шакллантирилди (1-жадвал).

Шу пайтга қадар ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот маълумотлари шакллантирилганда ҳамда хатлов натижалари бўйича ер ҳисоби жамланганда ер участкаларининг жойидаги статуси (мақоми, ҳуқуқий ҳолати) инобатга олинмаган, ер балансида собиқ иттифоқ давридаги тизим амалда бўлган. Унга кўра, аҳоли яшаш худудларини фақат туман марказлари аҳоли пункти фондида ҳисобга олиниб келинган, қолган қишлоқлардаги аҳоли яшаш ерларни қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасида ҳисоби юритилиб келинган. Ваҳоланки Ер кодексининг 7-бобида аҳоли пунктларининг ерлари<sup>9</sup>, аҳоли пунктларининг чегараси, шаҳар атрофи зоналари, аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Шунингдек, сув фонди ерлари сифатида фақат хўжаликлараро катта каналлар ва коллекторлар ҳисобга олиниб келинган, ички каналлар, коллекторлар қишлоқ хўжалиги ерлари тоифаси ҳисобида бўлиб келган.

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. 01.07.1998 й. Тошкент. <https://lex.uz/docs/152653>

1-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикаси ер тоифалари мисолида ер фонди ҳисоботини шахмат тартибида тақомиллаштириш механизми<sup>10</sup>

Т/Р	Қорақалпоғистон Республикаси ер фонди тоифалари	2023 йил ҳолати		Миллий ер ҳисоботи бўйича		Ўзгариш +,-	Шундан ер тоифалари бўйича ўлчамлари								Ўзгариш +,-	2024 йил ҳолати	Жами ер, (га), (процент)	Фарқи (-, +)
		ер майдони, га	ер майдони, га	I	II		III	IV	V	VI	VII	VIII						
	<b>Жами ер майдони</b>	16 656 123	16 656 123	56 064	794	12 426										74 310	16 657 127	1 004
I	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	6 242 635	6 242 635	12 995	99	15 611	9 002									73 306	6 200 570	-42 065
II	Ўрмон фонди ерлари	6 462 633	6 462 633	99	694	100										99	6 461 937	-696
III	Саноат, транспорт, алоқа, мулофа ва бошқа мақсад ерлари	56 331	56 331	10 497	100											15 611	59 516	3 185
IV	Сув фонди ерлари	81 111	81 111	9 997												10 009	91 119	10 009
V	Табиятни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация фонди ерлари	2 194 851	2 194 851														2 194 851	-
VI	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар фонди	2 896	2 896	24												24	2 920	24
VII	Аҳоли пункти фонди ерлари	33 461	33 461	35 447		125										35 572	64 007	30 546
VIII	Давлат заҳира ерлари	1 582 207	1 582 207													5 026	1 582 207	-

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тақлиф қилинган.

Маълумки, ҳудудларда маҳаллий бюджетлар даромад қисмининг шаклланиши ер кадастри маълумотларининг аниқлигига бевосита боғлиқдир. Шундай экан, ерларни маҳаллабай хатловдан ўтказиб, тўлиқ ҳисоби олиниши ва бўш турган ер участкаларини имкон қадар солиқ объектига айлантириш, инфратузилмаси мавжуд жозибадор ерларни аукцион орқали ҳуқуқларни реализация қилиб, уларни иқтисодий ресурсга айлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромади манба ва манзилларини белгилаш зарур. Маҳаллий бюджетнинг даромадлари таркибида ихтиёрий тавсифдаги маҳаллий йиғимлар ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда.

Иқтисодчи Г.Б.Поляк маҳаллий бюджетлар барқарорлигини комплекс баҳолаш тизимини тадқиқ қилиш воситасида молиявий барқарорликни таъминланиш учун қонунчилик бўйича бириктирилган даромадларни, яъни маҳаллий солиқларни уларнинг даромадларида ер солиғи ўртача 50-60%ни ташкил қилиши лозимлигини эътироф этган<sup>11</sup>. Бизнингча, ҳозирги шароитдаги маҳаллий бюджет амалиётимизда эса ер солиғи маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маҳаллий бюджет даромадларидаги салмоғи 30%ни ҳам ташкил қилмаётганлигини кўришимиз мумкин. Ўнга кўра, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмида 2019-2020 йилларда ер солиғи Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 17%, Элликқалъа туманида 21%, Тўрткўл туманида 18% ни ташкил этган.

Маҳаллий бюджетлар даромад қисмига олинадиган ер солиғи тўлови, ҳудудларда йирик аҳоли пунктлари жойлашган ер солиғи тушумларига эга бу, биринчи навбатда, ер солиғи тизими тўғри шаклланганлиги, иккинчидан, ҳудудларда кўп сонли ер участкаларининг мавжудлиги билан боғлиқ. Ҳудудларнинг асосий даромад манбаи ер ресурслари ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакатимиз ерларининг деярли 60 фоизи ер солиғи солинмайдиган ерлар ҳисобланади, чунки у давлат захира ерлари, ўрмон ерлари вазирлик ва идораларнинг тасарруфидаги аксарият ерларга тегишли бўлиб, ер солиғидан озод қилинган. Шунинг учун мавжуд ерларнинг тўлиқ ҳисоби олиниб, солиқ объектига айлантириш долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XVI бўлими “Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи” номли 61-боби, 426-моддасида солиқ солиш объекти ҳисобланмайдиган ер участкалари келтирилган. Мазкур кодекснинг 428-моддасида солиқ имтиёзлари жорий қилинган ер участкалар келтирилган бўлиб ушбу имтиёзларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Масалан, маҳаллий бюджетларнинг муҳим даромад манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган салмоқли миқдордаги ер участкалари ер солиғини тўлашдан озод этилган. Шу муносабат билан, солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзларни сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек маҳаллий бюджетларнинг йўқотишларини қоплаш масалаларни кўриб чиқиш зарур. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало, имтиёзларнинг мақсадга мувофиқлигини ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини чуқур

---

<sup>11</sup> Поляк Г. Б. Бюджетная система Р.Ф. – Москва: ЮНИТИ, 2001 й. – 127 б.

таҳлил қилиш зарур. Шу билан бирга маҳаллий бюджетга етказилган зарарни қоплашнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, ер солиғи тушумларининг ошишига таъсир қилувчи асосий омилларга ер участкаларини солиқ солишга жалб этиш, солиқ солиш объектларини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги, ерларнинг бозор баҳоси, шунингдек аҳоли пунктлари, саноат объектларининг ерларини аниқлаштириш ишлари киради. Ҳозирги кунда солиқ солинмайдиган объектлар эгаллаган ер участкаларидан сув фонди ерларининг соҳил бўйи минтақалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМ-981-сон Қарорига асосан белгиланган сув сатҳи чизиқлари бўйлаб кенглиги 2 метрдан 100 метргача масофадаги ерларни солиқ солиш объектига айлантириш лозим. Шунингдек, автомобил йўллари эгаллаган ерларнинг минтақа қисмларидаги ер участкаларини ва электр энергетика объектлари эгаллаган ер участкаларини ҳам солиққа тортиш зарур. Чунки, ҳозирда сув ҳамда электр токи истеъмоли нархини бозор баҳосига ўтказилганлигини инобатга олинса, солиқ солиш объектига айлантириш тўғри бўлади. Шу орқали маҳаллий солиқ тушумларида ер солиғининг улушини кўтариш мумкин.

Маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмининг камлигидаги яна бир асосий масала юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларидан қонуний ҳужжатларсиз, яъни ижара шартномасиз фойдаланиб келинаётганидир. Шунингдек, мулкдорларнинг ўз мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрмаслик, ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланмаган ҳолда фойдаланиб келинаётган ерлар солиқ объектига киритилмаган. Бугунги кунда ер участкалари аукцион ва кўчма савдо платформаларида реализация қилинганда савдо ўтказилишидан олинган пул маблағлари суммаси белгиланган тартибда “E-auksion” ААТ да 50% и, “K-savdo” ААТ да 80 % и маҳаллий бюджет тушуми ҳисобланади. Шу билан бирга тегишли вазирлик идораларига тақсимланади (2-расм).

Олиб борилган ишлар асосан маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантириш билан ер кадастрининг ўзаро боғлиқлигини асослашда бўш турган ер участкаларни, шунингдек ер солиғи олинмайдиган ерларни аукцион орқали ер ҳуқуқларини реализация қилиб, уларни солиқ объектига айлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромадини шакллантириш механизми назарда тутилган. Олинган ер ҳисоби маълумотлари Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд 451 та маҳалла тўлиқ қоплаб олиб, 186 маҳаллаларда 2089 та умумий миқдори 439,26 сотих бўлган бўш ер участкалари аниқланди. Ушбу ерларнинг барчаси фуқаролар томонидан ер солиғини тўламаган ҳолда жойида экин экиш, очик омбор, молхона ва қўйхона сифатида ҳамда келажакда уй-жой қуриш мақсадида ўраб олиниб фойдаланиб келинган.

Бўш ерлар аниқланган 186 маҳаллада олиб борилган тадқиқотлар натижа-сида мавжуд 2 089 та (439,26 сотих) бўш ер участкаларни электрон аукцион платформаларига жойлаштириш ишлари амалга оширилди. Унга кўра, аҳоли

пункти ерларида бўш турган, фойдаланишда бўлмаган 1 865 та (373,36 га) ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини аукцион савдо платформаси орқали реализация қилиш йўлга қўйилган, унга кўра, ерларнинг аукцион тушумидан ташқари 15,07 млн. сўм ер солиғи ҳақи маҳаллий бюджетларга ундирилган.



**2-расм. Ер участкаларининг маҳаллий бюджетлар даромадини шакллантиришдаги таклиф қилинаётган механизми<sup>12</sup>**

Шунингдек, аслида шу пайтга қадар умуман ҳисоби олинмаган, ер солиғи олинмайдиган ҳеч бир ташкилот тасарруфида бўлмаган туман ободонлаштириш ерларидан қўшимча аниқланган 10 938,28 гектар ерларни фуқароларга реализация қилиш орқали 588 та янги иш ўринлари яратилган ҳамда 1 950,0 млн. сўм маблағ маҳаллий бюджетга тушуми таъминлаш асосида маҳаллий бюджетлар даромадларининг ерга оид қисмининг ошишига эришилган.

Диссертация ишининг **“Ер кадастри асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи бобида ҳудудларда ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган базасини шакллантиришда аниқлик даражасини ошириш имконини берувчи ер ҳисобини юритиш туманлар захирасида турган, шунингдек фойдаланишда бўлмаган ер участкаларини фаол ресурс сифатида иқтисодий муносабатлар тизимига қайтариш орқали реализация қилиш механизми ва тартиби такомиллаштирилган ҳамда ер кадастри маълумотлари асосида Қорақалпоғистон Республикасида ер фондидан фойдаланишнинг ер тоифалари

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


доирасидаги 2030 йилгача мўлжалланган ўзгариши прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан давлат назоратини кучайтириш, ер ресурсларининг аниқ ҳисобини юритишни тизимли йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги ерларидан, жумладан суғориладиган, лалми ва яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида мавжуд қонун, қонуности ҳужжатларни чуқур таҳлил қилиб қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ер кадастри тизимини, хусусан ер ресурсларини аниқ ҳисобини юритишни тўғри йўлга қўйишда шаффофликни таъминлаш, ҳудудларда иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига яратилган ерга оид маълумотларнинг ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган базасини шакллантиришда мавжуд муаммолар кузатилмоқда. Чунки мавжуд механизм асосида ҳудудларда ер кадастри тизимини бошқариш, айниқса ер ресурсларининг аниқ ҳисобини юритишда ҳуқуқий муносабатларни четлаб ўтиш ҳолатлари учраб турибди. Зеро, ноқонуний ер олди-сотдиси натижасида ҳудудда ўзбошимчалик билан қурилган яқка тартибдаги уй-жойлар кўпайган. Шу каби қонун бузулушларни аниқлаш, ҳудудларда хатлов ишларини шаффов ўтказишини таъминлаш мақсадида тадқиқодларимиз давомида ер ҳисобини олишнинг қонунчилиқда белгиланган механизми такомиллаштирилди. Биз таклиф қилган механизмда маълумотлар бир вақтнинг ўзида 4 та жойда, мавжуд ер баланси билан текшириш ишлари амалга оширилади, шу билан бирга, энг асосийси маълумотларни ГИС кўринишида ArcGIS дастури ёрдамида геофазовий координаталар тизими асосида текширилади (3-расм). Таҳлилларимиз кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида 2023 йил давомида ўтказилган ер ҳисоби (хатлов) маълумотларида суғориладиган ерлар мавжуд ер ҳисоботиغا нисбатан 4 475 гектар камайганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, ерларнинг тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилмай турганлиги уларнинг талон-торож бўлишига йўл очиб берганлиги, Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йил январ ойи ҳолатига мавжуд миллий ҳисобот кўрсаткичларига нисбатан 311 865,8 га ер давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги аниқланди.

Ҳудудларда ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган базасини шакллантиришнинг шаффофлигини таъминланиши натижасида, ҳисоби олинган яйлов ер туридаги ер участкаларининг фойдаланиш йўналишини балиқчилик соҳасига ўзгартириш орқали кўллар ёки аввалдан мавжуд бўлган сув ҳавзаларини ташкил этиш юзасидан тўғридан-тўғри туман ҳокимининг қарорини чиқартириш орқали барча турдаги сув ҳавзалари давлат рўйхатидан ўтказилишига эришилди. Унга асосан, 2024 йилда кадастр маълумотлари асосида балиқчилик йўналишида 715 та сув ҳавзаси ташкил қилиниб, уларнинг ерлари 101 413 гектарга етказилди.

Шунингдек, барча тоифадаги хўжаликлардан жами олинган балиқ маҳсулотлари мавсум бошидаги 6 204 тоннадан, 11 597 тоннага етказилди ва умумий ер ижараси ҳақи, солиқ ставкалари бўйича 430,0 млн. сўм маҳаллий бюджетга тушганлиги маълум бўлди.



**3-расм. Ер хисобини олишнинг қонунчиликда белгиланган маҳазимининг тақомиллаштирилган ҳолати<sup>13</sup>**

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Бунда асосан ер ҳисоби (ер баланси) маълумотлари билан ҳудудларда тегишли ташкилотлар томонидан ўтказилган хатлов натижаларининг маълумотлари ўзаро солиштириш механизми орқали юзага келган коррупция, қалбаки қарор асосида суғориладиган ерлардан фуқароларга ер ажратиш ва ерларни қаровсиз қолдириш, экологик ҳолатини қасддан бузиш каби ноқонуний ишлар натижасида толон-тарож қилинган ерларни аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф қилиш, шунингдек ҳудудларда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида ерга оид маълумотларнинг ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган базасини шакллантириш имкониятлари яратилди.

Ҳудудларда иқтисодиётнинг барқарорлиги ер кадастри таркибий қисмлари асосида, аввало, ерларнинг аниқ ҳисобини юритиш ва муносиб эгаларига беришга, аниқ фактларга асосланган давлат дастурига ҳам боғлиқ. Ҳудудларни ривожлантириш йўналишларини аниқ белгилаб олиш зарур, чунки ишлаб чиқилган туманни ривожлантириш дастурлари ва уларни амалга ошириш режалари айнан белгиланган йўналишлар асосида бажарилади. Шунингдек, ҳудудларда ер кадастри тизими таркибий қисмларининг кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ бўлиши ҳудуд иқтисодий барқарорлигининг омили ҳисобланади. Яъни туманлардаги барча соҳаларнинг ривожланиши ер кадастри индикаторлари билан боғлиқдир (4-расм).

Ер фонди тақсимотига объектив ёндашмаслик, унинг ҳисобини аниқ юритмаслик, ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг самарадорлигига ва истиқболдаги кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ер ресурсларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, туманда ишлаб чиқарувчи кучлар ҳолати ва истиқболларини инобатга олган ҳолда ер кадастри таркиби қисмининг иқтисодий функциясини кучайтириш орқали ҳудудларда иқтисодий ривожлантириш услубларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланишни эътироф этиш зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда нофаол ер ресурсларини иқтисодий муносабатлар тизимига киритиш орқали иқтисодий фаол ресурслар сифатида реализация қилиш тартиби таклиф этилмоқда. Унга кўра, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ишчи гуруҳлари тузиб, кадастр ҳужжати бўлмаган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш, унинг натижасига кўра, агар деҳқон ва фермерлар ердан унумли фойдаланаётган бўлса, улар билан ижара шартномаси тузиш ва кадастр рўйхатига олиш мумкинлиги, аксинча бўлса, оқилона фойдаланилмаётган ерларни ҳокимлик захирасига қайтариш тартиби орқали белгиланган муддат ичида янги фойдаланишга топшириш зарур (5-расм).


Ҳудудларни ривожлантиришда, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ муносабатлар барқарорлиги таъминланиб, уларнинг мониторингини юритиш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарур.

Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги дунёни жиддий ташвишга солаётган бир вақтда соҳага замонавий ёндашув, аниқ ҳисоб-китоб билан бирга, мавжуд ер майдонларидан тўғри фойдаланиш талаб этилмоқда. Қолаверса, ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари ва инвестиция оқими, аввало, ер кадастрига боғлиқ.



4-расм. Ер кадастрининг худудларни комплекс ривожлантиришга мослигини таъминлаш механизми<sup>14</sup>

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**5-расм. Нофаол ер ресурсларини иқтисодий муносабатлар тизимига қайтариш орқали иқтисодий фаол ресурслар сифатида реализация қилиш тартиби (тавсия)<sup>15</sup>**

Шу нуқтаи назардан тадқиқотимизда ер кадастри маълумотлар базаси ва ер участкаларга бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни солиштириш орқали ҳудуднинг ер салоҳиятини белгилаш унинг иқтисодий самарасини ошириш мақсадида, ҳудудда мавжуд юридик кучга эга бўлмаган, яъни аввал белгиланган тартибда ерлар берилган, лекин маълум муддатдан сўнг ерлар захирага қайтариш асносида ҳужжатлар айланмаси тўхтаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмасдан қолган ерлар ҳисобини олиш механизми ишлаб чиқилди (6-расм).

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**6-расм. Худудларда юридик фаол бўлмаган ер участкаларини иқтисодий муносабатлар тизимига қайтариш механизми<sup>16</sup>**

Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йилдаги таҳлиллар бўйича, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 6 242,63 минг гектар, уни кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинаётганига қарамай, қишлоқ хўжалигида 1 245,6 гектар ернинг ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлари тўлиқ эмас. Доимий фойдаланиш учун ажратилган 82 998,7 гектар ернинг ҳуқуқий мақоми аниқ эмас, 3 436,0 гектар ернинг ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бири-бирдан фарқ қилади, яъни ердан фойдаланувчиларнинг ерлари қарорига нисбаттан жойида кам, 5 305,6 гектар ердан фойдаланувчиларнинг ерлари қарорига нисбатан жойида кўплиги, 7 088,5 гектар янги аниқланган бўш ер участкаларининг амалда ердан фойдаланувчиси мавжудлиги, 146,9 гектар ернинг жойида ноқонуний қурилиш мавжуд, 82 740,7 гектар ерлар фойдаланишдан чиқиб кетганлиги аниқланди.

Натижада, жами 100 074,4 гектардан зиёд қишлоқ хўжалиги ерлари кадастр рўйхатидан ўтмасдан турибди. Демак, ушбу ерлардан тегишли солиқ тушумлари амалга оширилмаган, кадастри йўқлиги сабабли уларни такрорий экинлар учун расман иккиламчи ижарага бериш имкони бўлмаган.

Булар туфайли камида 98,0 минг иш ўрни, такрорий экиндан олинаётган маҳсулот ҳамда норасмий ижаранинг ҳисоби юритилмаяпти. Бу дегани қўшимча озиқ-овқат ва уларни етиштириш учун ер талаб этилади. Бунга ҳозирдан тайёргарлик кўриш зарур. Яъни туманни истикболда ривожлантириш дастурларига қўшимча ер ресурсларини жалб қилиш тадбирларини ўтказмаслик озиқ-

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

овқат танқислигига олиб келиши ва унинг импорт ҳажмини янада ошириши мумкин.

Тадқиқотлар даврида ҳудудда мавжуд юридик кучга эга бўлмаган ерларнинг ҳисобини олиб, улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш орқали қўшимча ресурс яратиш имконининг мавжудлиги аниқланди. Масалан, ер ҳисобининг тўғри юритилмаганлиги сабабли ерларни туман ҳокимининг захирага олиш бўйича қарори чиққан ёки ер ажратиш қарори бекор қилинган бўлсада ҳалигача захирага олинмасдан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланди. Биргина Эликқалъа туманида 411,2 гектар ерлар захирага олинмасдан, фойдаланиб келинган, 120,3 гектар қишлоқ хўжалиги ерларига ўзбошимчалик билан яқка тартибдаги уй-жойлар қурилган ҳолатлари аниқланди.

Бизнингча, ҳудудларда ер ресурсларини бошқаришда тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирларини амалга оширишда ерлардан фойдаланиш даражасини белгилашда асосий эътиборни, *биринчидан*, ерлардан фойдаланиш мақсадига кўра уларни қайси турга киришини аниқ белгилаб олиш, *иккинчидан*, амалиётда қўлланилаётган турлардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир турдаги ерларнинг ҳолати, динамикаси ва фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ниҳоят, *учинчидан*, мавжуд муаммо, камчилик ҳамда номутаносибликларни аниқлашга қаратиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалиги тоифаси ерларини қайта ўрганишлар натижасида, Қорақалпоғистон Республикаси экин ерларида 1 572,7 гектар, кўп йиллик дарахтзорларда 67,27 гектар, бўз ерларида 37,27 ва яйлов турларида 40,32 гектар экинбоп бўш ерлар туманлар ҳокимлиги захирасида турганлиги аниқланди. Унга кўра, мавжуд қишлоқ хўжалиги картасининг 613 та контурида 1 717,53 гектар ерларни озиқ-овқат экинларни экиш мақсадида жисмоний шахсларга ижара ҳуқуқи асосида бериш имкони мавжуд. Натижада, ҳудудларда мазкур ерлардан 2,0 млрд. сўм ер ижара ҳақи тушуми ундирилиши ҳисобланган, шунингдек 500 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланган.

Тадқиқотларимиз давлат захирасида турган 1 724,8 гектар бўш ер участкаларини иқтисодий ресурсга айлантириш яъни асосланган кадастр индикаторларидан фойдаланиш услуби натижасида, республика ҳудудида 3 694 та контурда озиқ-овқат экинлари экиш имкони мавжуд бўлган 15 626,8 гектар ер майдонлари мавжудлигини кўрсатади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ерларининг дала четларидан, адирлардан, қирғоқлардан ва бошқа турдаги ерлар ҳисобидан деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларини ривожлантириш учун зарур бўлган манбалардан самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Маълумки, ер ресурсларидан фойдаланиш ва унинг натижалари бевосита бошқа ресурслардан фойдаланиш билан ҳам функционал тарзда тўғридан-тўғри боғлиқдир, у абсолют характерга эга. Бундан ташқари ушбу жараён капитал айланиши, нарх-наво, банк фоизи, валюта курслари ва бошқаларнинг конъюнктуравий ҳолати даражасига боғлиқ тарзда кечади. Бундай ҳолат объектив қонуният ҳисобланади ва у ердан фойдаланишнинг иқтисодий механизми, айниқса ер солиғи тизимининг, маҳаллий бюджетларнинг асосини ташкил этади, амалий жиҳатдан у самарали иқтисодий механизм асосида татбиқ

этилиши лозим. Шунингдек, суғориладиган ерларнинг аҳоли пункти ерларининг кўпайиши ҳисобига камайиб бораётганлиги ерлар ҳисобининг, айниқса аҳоли пункти ерларининг аниқ бўлишини талаб қилади.

Шунингдек, мамлакатимизда асосан қишлоқ хўжалиги ерлари ва аҳоли пунктида томорқа ер участкаларидан фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгалланиб қурилиш қурилиб олинганлиги сабабли мазкур ерларининг фойдаланиш мақсади бузилган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра қарийб 9 йилдан биён 40 260 та ер участкалари эгалланиб 9 415,3 гектар ерлардан фойдаланиш мақсади бузилганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари кадастр маълумотлар базасида бўлмаган 3 172 та ер участкалари солиққа тортилмаган ҳамда уларнинг эгалари туманларда мулкдор сифатида рўйхатга олинмаган (7-расм).



**7-расм. Кадастр индикаторлари асосида ерлардан мақсадли фойдаланиш схемаси<sup>17</sup>**

Бизнинг тавсияларимизга асосан янги аниқланган 3 172 та ер участкаларнинг ArcGIS дастури ёрдамида давлат кадастрларининг ягона тизими (ДКЯТ) базаси яратилиб кадастр базасига киритилди.

Таҳлилларга кўра, ўзбошимча эгалланган ерларда уй жойлар қурилганлиги сабабли 690,80 гектар ерларнинг фойдаланиш мақсади бузилган. Шу орқали белгиланган солиқ ставкалари бўйича 2023 йил ҳолатига қарийб 3,0 млрд. сўм давлат бюджетигига ер солиғи тушуми ундирилган. Яъни ер балансида тегишли ер турларида турган, лекин фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб уй-жойлар қурилган, даромад бермаётган норасмий эгалланиб бўлинган ер участкаларини даромад берадиган ерларга ўтказилган. Яъни, пассив ерларни актив ерларга ўтказилди. Лекин ер участкаларининг ҳақиқий статуси, яъни мулк

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хуқуқи эътироф этилгунгача пассив ҳолатда туриши туман бюджети учун ҳам ижтимоий йўналишларда ҳам бир қанча муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Шундай бўлсада тадқиқотимизда юқорида келтирилган фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларнинг ҳудудларда ер назоратининг бўлмаганлиги, ер ҳисоби ҳамда мониторинг олиб борилмаганлиги сабабли туман режаларида, ер балансларида белгиланган, шу билан бирга уларни бошқариш, улардан олинадиган даромад ва ҳосил режалари тегишли ҳужжатларнинг асосий мақсадлари бузилганлигини кўрсатади.

Мазкур ерлардан солиғини тўлаган ҳолда ўзбошимчалик билан фойдаланиш эмас, балки ҳужжатларда белгиланган мақсадларга асосан фойдаланиш назарда тутилиши лозим. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ерлари учун ажратилган ерлардан унумли фойдаланиш изчил ҳамда аниқ мақсадга қаратилган бўлиб, тадбиркорлик субъектлари учун ер ажратишда аҳоли сонининг кўпайиши, иқтисодиётнинг ўсиш мезони ва индикаторларини инобатга олиб, ердан фойдаланувчиларга ер ажратишга ҳудудларни танлашда олдиндан башоратлаш ҳисоб-китобларини амалга ошириш талаб қилинмоқда.

Башоратлашни амалга ошириш учун, аввало, кўп омилли регрессия таҳлили амалга оширилди. Унинг қийматлари асосида, ер кадастри билан ҳудудларни ривожлантиришда ўзаро боғлиқликни ифодаловчи жуфт корреляция коэффициентларининг қуйидаги корреляция матрицаси excel дастури орқали ҳосил қилинди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Нативавий кўрсаткичга таъсир қилувчи омиллар билан ва омилларнинг ўзаро боғланиш даражалри жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси**

	Y	X1	X2	X3	X4	X5	X6
Y	1						
X1	0,040216	1					
X2	0,508861	0,582568	1				
X3	0,371344	-0,49491	0,163682	1			
X4	0,268502	0,023471	0,044405	-0,03683	1		
X5	0,247398	0,733172	0,668971	-0,10652	0,193916	1	
X6	0,128738	-0,24071	-0,09987	0,309701	0,299795	-0,02563	1

Бу матрицани ҳосил қилиш орқали ёнма-ён турган омиллар орасида зич боғланиш мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, яъни мультиколлениарлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мумкин. Бунга кўра, ер кадастри билан ҳудудларни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар асосида регрессион модел тузиш учун мультиколлениарлик муаммоси мавжуд эмас экан. Буни эътиборга олиб, excel дастурида кўп омилли чизикли регрессия моделини юқоридаги маълумотлар асосида амалга оширганда қуйидаги модел ҳосил қилинди:

$$\hat{y} = 212,13 - 0,55X_1 - 0,12X_2 + 0,033X_3 + 0,001X_4 - 1,04X_5 - 0,027X_6$$


Бу ечимни таҳлили қуйидагича: 212,13 озод ҳад таҳлил қилинмайди.  $x_1$  олдидаги коэффицент  $-0,55 X_1$  — умум фойдаланишдаги ер майдонлар, гектар

бир бирликка оширганда,  $Y$  – миллий ер ҳисоботи бўйича майдони, га  $-0,55$  га камайар экан,  $X_2$  – ҳуқуқий ҳужжати йўқ турар жойлар майдони, га 1 бирликка ошганда,  $Y$  – миллий ер ҳисоботи бўйича майдони, га  $0,12$  бирликка камайар экан,  $X_3$  – озиқ-овқат экинлари экиш имкони мавжуд қўшимча аниқланган ерлар майдони, га бир бирликка ўзгарганда,  $Y$  – миллий ер ҳисоботи бўйича майдони, га  $-0,33$  га камайар экан,  $X_4$  – мақсадли фойдаланишга йўналтирилган ерлар майдони, га 1 бирликка ошса,  $Y$   $-0,001$ га ошар экан,  $X_5$  – ички йўллар эгаллаган ерлар майдони, га, 1 бирликка ошса,  $Y$   $-1,04$  га камайар экан,  $X_6$  – сув объектлари эгаллаган ерлар майдони, га 1 бирликка ошса,  $Y$   $-0,027$ га камайар экан.

Бу омиллар ичида  $Y$  – ҳажмига энг катта таъсир кўрсатувчи озиқ-овқат экинлари экиш имкони мавжуд қўшимча аниқланган ерлар майдони экан. Шунингдек, мазкур эконометрик модел асосида миллий ер ҳисоботнинг майдон ҳажмини прогноз қилиш учун унга таъсир этувчи ҳар бир омил бўйича функциялари аниқланди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар миқдори 2020 йилдан бошлаб ўсиб борган. Буни графикда детерминация коэффициенти қийматидан ҳам кўриш мумкин:

$$D = R^2 = 0,64.$$

Захира ерлар майдони эса камайиб борганлиги графикда келтирилган (8-расм). Буни регрессия моделидан ҳам кўриш мумкин, боғланиш тескари боғланиш эканлигидан далолат беради. Худди шунингдек, захира ерлар майдони прогнози ҳам асосланди.



**8-расм. Захира ерларининг таъсир этувчи омиллар ҳисобига камайиш кўрсаткичи<sup>18</sup>**

Excel дастури ёрдамида 2-жадвалда келтирилган статистик қийматлар асосида амалга оширилган ҳисоблаш ишларида олинган натижалар қуйидаги 3 ва 4-жадвалларда келтирилган. Демак,  $15,5 > 3,48$  бўлганлиги учун қўлланилган кўп омилли модел адекват ҳисобланиб, ундан миллий ер ҳисоботи бўйича майдон ҳажмини келгуси даврлар учун прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқилган тренд функцияларидаги номаълум сонлар ўрнига юқорида фойдаланилган модел ва формулар ёрдамида олинган реал рақамларни қўйиш асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларига мувофиқ миллий ер ҳисоботи бўйича майдон ҳажми 2010-2024 йиллардаги динамикаси асосида 2025-2030 йиллар бўйича прогнози асослаб берилди.

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

## 3-жадвал.

**Кўп омилли эконометрик моделнинг сифати ва аҳамиятини  
текшириш мезонлари**

Кўп омилли корреляция коэффициент, R	Кўп омилли детерминация коэффициент, R-квадрат	Корректлаш-тирилган R-квадрат	Баҳолашни нг стандарт хатоси	F-хисобланган	P-қиймат	DW
0,64	0,64	0,57	2,72	15,5	1,8*10 <sup>-9</sup>	1,90

Демак, келажакда аҳолини ўй жой билан таъминлашга ер ажратиш, аҳоли пункти ерларини ҳам олдиндан белгилаш талаб этилади.

## 4-жадвал.

**Миллий ер ҳисоботи бўйича ер майдони ўзгаришининг 2030 йилгача  
бўлган прогноз кўрсаткичлари<sup>19</sup>**

Йиллар	Аҳоли сони	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	Аҳоли пунктлари ерлари	Саноат, транс., алоқа, муҳофаа бошқа ерлар	Табиати муҳофаза қ.ш. ерлар	Тарихий-мадан аҳамиятга молик ерлар	Ўрмон фонди ерлари	Сув фонди ерлар	Захира ерлар
2010	1 400,00	3 272,00	29,4	1 296,90	0,4	24	4 367,00	57,1	7 151,20
2011	1 411,50	3 271,40	29,7	1 279,90	0,4	24	4 366,80	57,1	7 168,70
2012	1 493,70	3 271,10	29,8	202,7	0,4	0	4 366,70	57,1	8 246,20
2013	1 499,68	3 271,10	29,8	202,7	0,4	0,2	4 366,70	57,1	8 245,00
2014	1 524,43	3 218,80	36,6	186,5	0,4	2,8	4 489,00	57,4	8 664,60
2015	1 575,00	3 011,60	36,6	176,4	628,7	2,8	5 907,50	57,4	6 835,00
2016	1 590,35	3 218,80	36,7	186,5	0,4	2,7	4 489,00	57,4	8 664,60
2017	1 723,13	3 011,60	36,6	176,5	628,7	2,8	5 907,50	57,4	6 835,00
2018	1 763,10	3 166,90	36,4	177,5	628,7	2,8	5 751,60	57,4	6 834,80
2019	1 831,50	3 206,10	36,2	177,9	628,7	2,8	5 751,60	57,7	6 795,70
2020	1 903,90	6 197,70	36,2	177,9	628,7	2,8	6 587,40	79,5	2 702,80
2021	1 923,80	6 032,50	32,7	55,4	2 194,90	2,8	6 432,40	79,5	1 582,20
2022	1 960,10	6 407,10	36,6	178,2	631,9	2,8	6 614,50	81,1	2 703,90
2023	1 994,40	6 242,60	33,5	56,3	2 194,90	2,9	6 462,60	81,1	1 582,20
2024	2 000,00	6 243,50	33,2	55,8	2 194,80	2,9	6 732,20	81,2	1 312,50
2025	2 029,71	6 481,50	33,5	-10,1	2 028,00	1,9	7 271,30	82,9	1 107,40
2026	2 294,17	6 742,30	33,9	-70,4	2 180,50	1	7 123,30	85	1 204,50
2027	2 339,00	7 003,10	34,2	-130,8	2 332,90	0,1	7 667,10	87,1	1 301,50
2028	2 385,08	7 263,90	34,5	-191,1	2 485,40	-0,8	7 519,10	89,1	1 398,60
2029	2 431,88	7 524,70	34,9	-251,5	2 637,90	-1,7	8 062,90	91,2	1 495,70
2030	2 475,73	7 785,60	35,2	-311,8	2 790,30	-2,6	7 914,90	93,2	1 592,80
фарк	<b>481,33</b>	<b>1 543,00</b>	<b>1,70</b>	<b>-368,10</b>	<b>595,40</b>	<b>-5,50</b>	<b>1 452,30</b>	<b>12,10</b>	<b>10,60</b>
фоизда	<b>24%</b>	<b>25%</b>	<b>5%</b>	<b>-654%</b>	<b>27%</b>	<b>-190%</b>	<b>22%</b>	<b>15%</b>	<b>1%</b>

<sup>19</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Натижада, 2030 йилга бориб аҳоли сонининг 2023 йилга нисбатан 24% га кўпайганини кўриш мумкин, шу билан бирга уларни уй-жой билан таъминлашга мўнжалланган аҳоли пунктлари фонд тоифаси ерлари 2023 йилга нисбатан 5% кўпайган. Шундай экан, келажақда аҳолини ўй жой билан таъминлашга ер ажратишда аҳоли пункти ерларини олдиндан белгилаш зарур.

Бунда, бизнингча, яйлов ер турларидан ва Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа ерлар фонд тоифасидан аҳоли пунктига ер танлаш ишларини олиб бориш зарур. Ушбу таҳлиллар барча ер фонди тоифаларининг миқдори ва улардан фойдаланиш ҳисобини юритишни тартибга солиш зарурлигини англатади. Бу эса, ер назоратини тўғри ташкил қилиш, тезкор ахборотларни шакллантиришдаги камчилик ҳамда жиддий муаммоларнинг олдини олишни тақозо қилмоқда.

## ХУЛОСАЛАР

Тадқиқотлар натижасида ер кадастри асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий хулоса ва амалий тавсиялар қуйидагилардан иборат:

1. Бугунги кунда ер фондининг тоифаларини бошқариш юзасидан турли вазирлик ва идораларга, ҳудудий хўжалик ва давлат ҳокимияти органларига ерларни бошқариш, фойдаланиш ва назорат қилиш каби вазифалар юклатилган. Унга асосан ҳар йили ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот чоп этилади. Бироқ, ушбу миллий ҳисоботга ҳеч қайси ваколатли орган томонидан баҳо берилмайди. Ер фонди ҳолатидаги салбий тенденцияларнинг сабаблари ва уларни бартараф қилиш масалаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларида кўрсатиш лозим.

2. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ер кадастри тизимининг ижобий жиҳатларини белгилаш, хусусан ер кадастри тизимини бошқариш ва унинг маълумотларидан ҳудудларни ривожлантириш, иқтисодий барқарорлигини таъминлаш юзасидан тажрибани мамлакатимиз ер кадастри тизимида ҳам жорий қилиш лозим. Хусусан, Европа мамлакатларининг кадастр тизими асосида республикамизда мавжуд 8 та ер фонди тоифаларини батафсил турларга бўлиб чиқиш тавсия этилади.

3. Ер фонд тоифаларининг тўғри бўлиниши натижасида ҳудудларда бюджет маблағларининг тўғри тақсимланишига эришилди, масалан йўл хўжалиги бўйича “Ташаббусли бюджет” ва “Менинг йўлим” лойиҳалари доирасида ҳудудларга йўналтирилган бюджет пулларининг тақсимоти кадастр маълумотлари асосида смета ҳисоблари чиқарилиб, ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинди. Шунингдек, онлайн маълумот алмашинуви, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш бўйича “темир дафтар” тизимини шаффоф, ҳаққоний шакллантириш йўлга қўйлиб, давлат томонидан камбағалликни қисқартиришга ажратилган пул маблғларининг нотўғри тақсимотининг олди олинди.

4. Ҳудудларда 3 172 та ер участкаларнинг 690,80 гектар ерлари, бошқа фонди тоифалари ҳисобига ўзбошимчалик билан эгалланганлиги аниқланиб, уларни кадастр маълумотлар базасига миграция қилиш орқали белгиланган ер

ижара ҳақи ставкалари бўйича қарийиб 3,0 млрд. сўм маҳаллий бюджетга ер ижара ҳақи тушуми таъминланган.

5. 2023 йилнинг бошида ободонлаштириш бошқармаси ва тадбиркорлик субъектлари шартномаси 26 та бўлган бўлса, таклиф қилинган механизм натижасида шартномалар сони 130 тага етказилди, 588 та янги ишчи ўринлар яратилган, олинган ерларнинг кадастр маълумотлари асосида кўчма савдо платформаси орқали 2,0 млрд. сўмга яқин маблағ маҳаллий бюджетга тушуми таъминланган.

6. Ер участкалари объектларидан олинган даромадлар маҳаллий бюджетларнинг энг йирик солиқ даромадларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан бюджет тақчиллигини изчил қисқартириш, даромад қисмини тўлдириш учун бўш ер участкаларини аниқлаш, уларни солиқ объектига айлантириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XVI бўлими Юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғи номли 61-боби, 426-моддасида солиқ солиш объекти ҳисобланмайдиган ер участкалари рўйхатини ҳамда мазкур кодекснинг 428-моддасида солиқ имтиёзлари жорий қилинган ер участкалар рўйхати келтирилган бўлиб ушбу объектлар ва имтиёзларни қайта кўриб чиқиш лозим. Маҳаллий бюджетларнинг муҳим даромад манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ер солиғини тўлашдан озод этилган салмоқли миқдордаги ер участкаларини солиқ объектига айлантириш лозим.

7. Ер ресурсларини аниқ ҳисобини юритиш тизимининг шаффофлигини таъминлаш орқали қишлоқ хўжалигида суғориладиган 4 475 гектар ерларининг турлари асоссиз ўзгарганлиги аниқланган. Балиқчилик тармоқларининг ривожланишида ҳисоби олинган яйлов ер туридаги ерларнинг фойдаланиш йўналишини ўзгартириш орқали умумий 715 та сув ҳавзалари ташкил қилиниб, уларнинг ерлари 101 413 гектарга етказилган.

8. Ер солиғи олинмайдиган туман ободонлаштириш ерлардан қўшимча 10 минг га аниқланиб айнан кадастр маълумотлари асосида тадбиркорлар жалб қилиниб кўчма савдо платформаси орқали 2 млрд сўмга яқин маблағ маҳаллий бюджетга тушуми таъминланган ва аукцион ва кўчма савдо платформасидан пул тушуми пайдо бўлган. Ҳозирги кунда солиқ солинмайдиган сув фонди ерларининг соҳил бўйи минтақалари белгиланган сув сатҳи чизиқлари бўйлаб энг кичик кенглиги 5 метрдан 100 метргача масофадаги ерларни солиқ солиш объектига айлантириш лозим.

9. Келажакда ерлардан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш сабабида ер фонди тоифалари ер майдонларининг истиқболдаги ўзгариши прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган, унга кўра, аҳоли пункти ерлари фонд тоифаси 2023 йилга нисбатан 2030 йилга бориб 5% кўпайган лекин аҳоли сонининг 24% га кўпайганлиги келажакда аҳолини ўй жой билан таъминлашга ер ажратишда аҳоли пункти ерларини олдиндан белгилаш ва ташкил этиш шунингдек, барча ер фонди тоифаларининг миқдори ва улардан фойдаланиш ҳисобини юритишни тартибга солишга қаратилган таъсирчан назоратни йўлга қўйиш асосланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.1.10.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**ЮНУСОВ БЕГЕНЧ МАВЛАНБЕРДИЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ КОМПЛЕКСНОГО  
РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИЙ НА ОСНОВЕ ЗЕМЕЛЬНОГО КАДАСТРА**

06.01.10 – Землеустройство, кадастр и мониторинг земель

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора (DSc) экономических наук**

**Ташкент – 2025 год.**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.4.DSc/Iqt785.**

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Алтиев Абдурашид Султанович,</b> доктор экономических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Гулямов Саидасрор Саидахмедович,</b> доктор экономических наук, академик <b>Хасанов Шавкат Турсункулович,</b> доктор экономических наук, профессор <b>Косим Рахманов,</b> доктор технических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Бухарский государственный технический университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.I.10.03 по присуждению ученых степеней при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-46-68, факс (99871) 237-38-79. E-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (зарегистрировано под номером \_\_\_\_\_). Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязи, 39. Тел.: (99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года.).

**К.А.Чариев,**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.э.н., профессор

**И.О.Юнусов,**  
Секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.э.н. (PhD), доцент

**Н.С.Хушматов,**  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.э.н.,  
профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В целях укрепления гарантий обеспечения социально-экономической стабильности в мире все большее значение приобретает эффективное управление имеющимися ограниченными земельными ресурсами. Это обуславливает необходимость широкого внедрения данных земельного кадастра в экономическую систему, что позволяет значительно повысить влияние эффективного управления существующими земельными ресурсами на дальнейшее развитие экономики стран в условиях сокращения земельных ресурсов на душу населения в результате роста мирового населения. К сожалению, в настоящее время во многих странах недостаточно организована работа по анализу состояния землепользования, обеспечению регулярного контроля за землепользованием, внедрению современных технологий, а также систематизированному учету земельных ресурсов.

На сегодняшний день мировой земельный фонд составляет 13,4 млрд. гектаров, из которых 1,5 млрд. гектаров, т.е. 11,0 процентов являются сельскохозяйственными угодьями, считаются благоприятными для производственных нужд. Ухудшение глобального климата во всем мире и увеличение численности населения, в свою очередь, привели к увеличению спроса на продовольствие и сельскохозяйственную продукцию, что приводит к необходимости смещения задач системы земельного кадастра. По официальным данным, в настоящее время более 840 млн. человек во всем мире, то есть каждый девятый человек, страдают от недоедания, более 30,0 процентов населения планеты столкнулись с проблемой неполноценного питания<sup>1</sup>. Именно поэтому, идеально налаживая систему земельного кадастра, необходимо использовать ее данные при разработке программ по обеспечению продовольственной безопасности в комплексном развитии территорий.

Налаживание эффективного управления земельным кадастром, которое является очень актуальным вопросом для нашей республики, имеет большое значение в комплексном развитии территорий, и постановление Президента Республики Узбекистан от 8 июля 2024 года № ПП-245 «О мерах по реализации экономического потенциала регионов и эффективному использованию пустующих земельных участков» свидетельствует о важности правильного управления системой земельного кадастра и эффективного использования земельных ресурсов для повышения экономического потенциала территорий. По этой причине полный учет земель 8 категорий земельного фонда, имеющих в настоящее время в нашей республике, их формирование на базе геоданных станет основой для устойчивого развития экономики. В последующие годы реализуется ряд мер по организации рационального и целевого использования земельных ресурсов республики, обеспечению эффективного контроля и регулированию отношений в области земельных ресурсов, геодезии, картографии и государственного кадастра. Дальнейшее совершенствование системы земельного кадастра

---

<sup>1</sup> Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. Аграрная политика и продовольственная безопасность. Учебное пособие. Т: Издательство «Фундаментальная библиотека Академии наук Республики Узбекистан», 2016. – 257 с.

обусловлено правильным ведением учета всех типов земель, своевременным обновлением данных об устойчивом развитии регионов и отраслей экономики республики, совершенствованием механизмов их инновационной модернизации, не только определяющих экономические перспективы государства, но и также оказывающих влияние на разработку государственных программ. Кроме того, наличие таких проблем, как обоснование и внедрение механизмов регулирования системы управления земельным кадастром в сфере обслуживания населения, его социально-экономической поддержки, требует проведения широкого спектра научно-исследовательских работ по их решению.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации приоритетных задач, поставленных Законом Республики Узбекистан от 28 августа 1998 года № 666-I «О государственном земельном кадастре», постановлениями и указами Президента Республики Узбекистан от 28 января 2021 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», от 7 сентября 2020 года № УП-6061 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы ведения учета земли и государственных кадастров», от 28 июля 2023 года № УП-119 «О социальной поддержке населения Республики Каракалпакстан и признании прав на жилье, построенное физическими лицами», от 21 февраля 2022 года № ПП-138 «О мерах по повышению эффективности государственного контроля за использованием земельных участков», постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 июня 2021 года № 389 «Об утверждении отдельных нормативно-правовых актов, регулирующих сферу ведения государственных кадастров» и другими нормативно-правовыми актами, связанными с развитием земельного кадастра и территорий.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Основные направления земельной реформы, национализация и приватизация земель, научные исследования, связанные с областями земельного хозяйства, проводятся в ведущих научных центрах мира и высших учебных заведениях, включая такие страны, как Англия, США, Ливан, Бельгия, Нидерланды и Австралия. Кроме того, в большинстве европейских стран учет земли ведется на основе французского образца. Основной задачей французских кадастровых данных является обеспечение налогообложения земли.

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных исследований по теме диссертации: составлен на основе следующих источников: University of Cambridge (Англия), International food policy research institute "IFPRI" land resource management for poverty reduction, land degradation (Вашингтон, АКШ), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) (Ливан), Ghent University (Бельгия), Wageningen University (Голландия), Department of Primary Industries, Parks, Water and Environment (Австралия, Тасмания) <https://www.landecon.cam.ac.uk/research/environmental-economy-policy-group/centres/rbu/research>; <http://www.ifpri.org/land-management>; <https://www.icarda.org/integrated-water-and-land-management/teaser>; [https://www.ugent.be/bw/soilmanagement/en/research/soildegradationandsoilconservation/research\\_projects.htm/overview.htm](https://www.ugent.be/bw/soilmanagement/en/research/soildegradationandsoilconservation/research_projects.htm/overview.htm); <https://www.wur.nl/en/project/Digital-Soil-Mapping-of-land-degradation-risks-in-Africa.htm>; <http://dpiipwe.tas.gov.au/agriculture/land-management-and-soils/salinity/land-degradation-salinity-risk-project>.

На основе исследований, проведенных в странах мира в области управления системой земельного кадастра, научными центрами и университетами получены следующие методологические и практические, научно-теоретические результаты: индикаторы стабильности поступлений от аренды земли «University of Florida» (США), индикаторы земельного налога для территориальных зон «Georgia State University» (США), оценка качества сельскохозяйственных земель, потраченных инвестиций «Norwegian university of life sciences» (Норвегия), экономическая оценка земель «Szent Istvan University» (Венгрия), управление системой земельного кадастра «University of Melbourne» (Австралия), рыночная стоимость земель «World bank», «Development research group», «Rural Development» (Вашингтон, США).

